


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Бунёдкорлик

САЙХУН СОҲИЛИДАГИ ОБОД ШАҲАР



Бугун мамлакатимиз том маънода бунёдкорлик ва ободончилик авж олган масканга айланди. Қайси шаҳар ёки қишлоқда бўлмаган, катта-кичик қурилиш ва ободонлаштириш ишлари устидан чиқасиз. Шу боис юртимиз кун сайн чирой очиб бормоқда. Янги гузарлару замонавий ишлаб чиқариш корхоналари ва кўплаб ижтимоий-иқтисодий объектлар бунёд этилиб, халқимиз, айниқса, ёшларимиз доимий иш ўринларига эга бўлмоқдалар.

Энг қувонарлиси, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган махсус манзилли дастур ишлаб чиқилиб, унинг ижроси учун давлат ҳисобидан катта маблағ ажратилаётир. "Бекободни намуна-

ёҳуд Бекобод ҳар томонлама намунали ва кўркем шаҳарга айланмоқда



вий обод шаҳарга айлантира-миз!" шиори остида бошланган саъй-ҳаракатлар бу борадаги ишларнинг мантиқий давоми бўлмоқда.

(Давоми 2-бетда).

Дала маданияти

"Диёрбек – Дониёрбек" Юқори Чирчиқ туманидаги нисбатан янги фермер хўжалиқларидан бири. Жасур Икромов бу хўжаликни 2007 йилда ташкил этиб, 36 гектар ерда 7 киши билан иш бош-

лаган эди. Ҳозир экин майдонлари 69 гектарга, аъзолар 20 кишига етди. Шу қисқа даврда "Диёрбек – Дониёрбек" кўп жиҳатдан олди фермер хўжалиқларидан бирига айланди.

ШИЙПОНДАГИ ҲОРДИҚҚА НЕ ЕТСИН

Бугун ушбу хўжаликни бошқа фермерлар келиб, кўриб, ўрганиб, ўзларида жорий этсалар арайдиган яхши ишлари кўп. Биринчидан, Жасур Икромов бошқараётган хўжалик нафақат туман, балки вилоятдаги энг юқори ҳосилли хўжалиқлардан. Масалан, бугдой ҳосилини олиб кўрайлик. Давлат эҳтиёжлари учун топшириладиган дон хусусида 35 центнерлик ҳосил юзасидан шартнома тузилган. Эътироф этиш керакки, бу – катта кўрсаткич. Зеро, айрим хўжалиқлар шундай юқори шартларда шартнома тўза, пировардида ўзларига ҳеч қанча галла қолмайди. – Аммо, биз 70 центнердан кам ҳосил олма-

миз, – дейди Жасур Икромов ишонч билан. – Ҳар йили шундай – ўзимизга жорий этилган топширигимиздан кўп галла қолса қоладик, кам қолмайди. Бу аъзоларимиз учун нақд даромад, меҳнатларидан келган ҳалол ризқ-насиба. Улар 46,8 гектар майдондаги бугдойнинг ҳар гектарига 500 килограммдан азотли ўғит, 100 килограммдан суперфосфатдан азотли ўғит, 100 килограммдан маҳаллий ўғит чиқаришиди. Вақтида сугоришиди, шарбат сувига қондиришиди, баргидан озиқлантириш усулини қўллаб, суспензия сепишиди. Айтмоқчиманки, деҳқонларимиз экинга ёлчиб қарашади

ва ўзлари ҳам даромаддан ёлчишади. Бу – оддий ҳаёт йўсини. Фермер ҳақ – ишлаган одам манфаатини ҳам тўлиқ кўриши керак. "Диёрбек Дониёрбек"нинг бошқа фермер хўжалиқларига иборат бўладиган яхши ишларидан яна бири шуки, аъзолар баракали меҳнат қилиш билан бир вақтда дала ишларидан холи пайтларда мириқиб, маданий дам олиш имкониятига ҳам эгалар. Гап шундаки, Жасур Икромов аъзолар учун ҳамма қулайликларга эга замонавий дала шийпони барпо этишга эришди. 20 ўринли дам олиш хонасини маъмурият билан биргача қўйиб берди.

(Давоми 2-бетда).

Куйи Чирчиқ тумани марказидаги қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги касб-хунар коллежидан туман ҳокимлиги, бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази ҳамда туман ички ишлар бўлими ҳамкорлигида касб-хунар коллежларининг битирувчилари учун бўш иш ўринлари ярмаркаси ўтказилди.

ЁШЛАР ИШЛА БЎЛИШДИ

Туман прокуратураси ташаббуси ва бевосита кўмакда ташкил этилган тадбирда тумандаги 17 та корхона ва ташкилот 189 та бўш иш ўринлари билан қатнашди. Шу кун битирувчи ёшлардан 58 нафари ишга жойлаштириш учун йўланмага эга бўлди. Бундан ташқари, ярмаркада тақдир этилган фуқароларнинг 87 нафари ҳам ишли бўлди.

Кўплаб битирувчи ёшлар ярмарка давомида ўзларни қизиқтирган саволларга мутахассислардан жавоб ва керакли маслаҳатлар олишди.

Умида ИСАЕВА.

Молиявий кўмак

ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИНИ ОШИРГАН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИҚЛАРИГА ИМТИЁЗЛАР

Республика қишлоқ хўжалигида интенсив фойдаланиладиган ерларнинг 9,7 фоизини сугориладиган майдонлар ташкил этади. Улардан фойдаланишда фермер хўжалиқлари илмий, амалий, техникавий, иқтисодий ва ташкилий имкониятларини биринчи навбатда тупроқ унумдорлигини ошириш ва сақлашга қаратмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 82-моддасида ерлардан оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилишни иқтисодий рағбатлантириш тартиби белгиланган. Бу ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижарачиларнинг тупроқ унумдорлигини сақлаш ва тиклаш, турли салбий оқибатлардан ҳимоя қилишдан манфаатдорлигини оширишга қаратилган бўлиб, биринчидан, янги ўзлаштириладиган ва мелиоратив ҳолатини яхши-

лаш жараёнида бўлган сугориладиган ерларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ер солиғи бўйича имтиёзлар беришни, иккинчидан, ерларни муҳофаза қилиш ва қайта тиклаш билан шуғулланаётган юридик ва jismoniy шахсларга камхаржли ва ресурсларни тежовчи технологияларни жорий этишда солиққа, кредитга оид ва бошқа имтиёзлар беришни ўз ичига олади.

(Давоми 2-бетда).

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАР КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

Мамлакатимизда миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш, ёшларимизни Ватанга садоқат, инсонпарварлик каби эзгу гуялар руҳида тарбиялаш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириляётир.

Бу йўналишдаги ишларни такомиллаштиришда Президентимиз Ислам Каримовнинг 2006 йил 25 августда қабул қилинган "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Тошкент вилоятида ҳам маънавий ҳаётимизни янада кучайтиришга асос қўйилди. Вилоятда ҳафтанинг ҳар жумаси "Маънавий кун" деб эълон қилинган. Шу кун бarcha корхона, ташкилот ва муассасаларда маънавият соатлари ўтказилади.

Тегишли ташкилотлар билан биргаликда туман ва шаҳарларда ташкил этилаётган тадбирлардан давлат

тимиз раҳбарининг "Юксак маънавият – енгилмас куч", "Ўзбекистон мустақилликка эришиш оstonасида" асарларини чўқур ўрганиш, уларнинг маъно-маъмунини, китобларда илгари сурилган ғоя ва қарашларнинг моҳиятини очиб беришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Вилоятда амалга ошириляётган ишлар доирасида китобхоналикни оmmалаштириш масаласида "Энг яхши китобхона ўқувчи", "Бир фарзандга уч китоб", "Энг яхши китобхона оила", "Энг яхши китобхона маҳалла", "Энг яхши китобхона мактаб" акция ва кўрик-танловлари ўтказилаётир. "Оила – маҳалла – таълим муассасаси" ҳамкорлигини яна-

да мустаҳкамлаш чоралари кўришмоқда.

Туман ва шаҳарлардаги кутубхона ва ахборот-ресурс марказлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 апрелда тасдиқланган "2010-2015 йилларда болалар ва ўсмирларни маънавий камол топтиришга йўналтирилган ношрилик махсуслотларини нашр этиш дастури тўғрисида"ги қарорига биноан ўзбек ва жараҳон адабиёти намояндаларининг лотин алифбосида чоп этиляётган асарлари ва уларнинг электрон нусхалари билан бойитилмоқда.

Бундай ишлар фарзандларимизни улуг аждодларимиз маънавий мероси, умуминсоний қадриятлар асосида воғна етказиш, улар орасида соғлом турмуш тарзини оmmалаштириш, ёш авлодни "оmмавий маданият" таъсиридан муҳофаза қилиш, уларни Ва-

танга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, ижодий-интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Олимлар, ёзувчи ва шоирлар, санъаткорлар иштирокида мактаб, лицей, коллеж ҳамда маҳаллаларда ташкил этиляётган учрашувларда маънавиятнинг инсон ва жамият ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, бу кенг ва серқирра тушунчанинг маъно-моҳияти, назарий ва амалий жиҳатлари теран таҳлил этиляётир. "Ёшларнинг маънавий қиёфаси: ахлоқ-одоб ва кийиниш маданияти", "Эҳтиёт бўлинг: мобил телефон орқали тарқатилётган маънавийсизлик", "Қуликка рози бўлман", "Огоҳ бўлинг: одам савдоси – мудҳи ҳаракати илмий бўлими ҳақида" каби мавзуларда мулоқот ва давра суҳбатлари ўтказилмоқда.

Х. САЛИМОВ,
ЎЗА мухбири.

«Тошкент ҳақиқати»га жавоб берадилар

ҚАРЗЛАР УНДИРИЛДИ, ЙЎЛЛАР ТАРТИБГА КЕЛДИ

"Тошкент ҳақиқати" газетасининг 2013 йил 4 май сонидан "Сизни хурматли раҳбар дейишга тил охири!" 8 май сонидан "Қарзингиз бор экан, "хурматли" диктор..." шуниингдек, 11 май сонидан "Фойдалангач, ҳақини тўлаб қўйинг!" сарлавҳали мақола ҳам чоп этилган. Унда туман марказий бозори олдидаги тартибсизликлар танқид қилинган эди.

Ушбу мақолалар юзасидан туман ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари Х. Ҳожиёв имзоси билан жавоб хати олинди. Унда айтилишича, коммунал тўловлар бўйича эълон қилинган мақолада исм-шарифлари келтирилган

туман раҳбарларининг барча қарзлари ундирилган. Шунингдек, табиий газ ҳамда электр энергиясидан фойдаланганлик учун қарзларни ўз вақтида тўлаш юзасидан тушунтириш ишлари кучайтирилган.

"Машина эгаси бозорда..." сарлавҳали мақолага жавоб хатида маълум қилинишича, туман ҳокимлиги вилоят ИИБ ЙХХБ бошқармаси, транспорт департаменти, туман ИИБ ЙХХБ бошқармаси, туман давлат солиқ инспекцияси, Паркент деҳқон бозори маъмурияти ҳамда туман йўл хўжалиги пудрат таъмирлаш-фойдаланиш корхонаси билан ҳамкорликда бозор атрофидаги тартибсизликларни бартараф этиш юзасидан йўл чеккасидаги белгилар, қатнов қисмидаги чиқиқлар тартибга келтирилди. Автоуловларини йўл чеккасида қолдириб, бозорга киривувчиларга, пидедаларга бу қоидабузарлик экани тушунтирилди. Бозор атрофидаги қирақашларга нисбатан қонуний чоралар

кўрилди. Бозор ҳудудидаги автоутораржойлар тартибга келтирилди.

Бундан ташқари, тартибсизликларни бартараф этиш чораларини кучайтириш мақсадида ҳудуддаги маҳалла фуқаролар йиғини билан ҳамкорликда автоуловларни мумкин бўлган ҳудудларга қўйиб кетаётган ҳайдовчиларга нисбатан чора қўриш мақсадида ушбу ҳолатларни расмда олиб вилоят ИИБ ЙХХБ бошқармасига тақдим этиш тартиби киритилди ҳамда шу ҳудуддаги фуқаролар ёрдамида маълумотлар жамланмоқда. Биринчи фотолавлар 20 майда вилоят ИИБ ЙХХБ бошқармасига топширилди.

Ҳозирги кунда "Тошли-ТИ"нинг туман бош режаси ишлаб чиқилмоқда. Туман ҳокимлиги бош режага Паркент деҳқон бозорининг ўнг ва чап томонидаги 150 ўринли автоутораржойни лойиҳалаштириш тартиби киритилди. Бугунги кунда ушбу ҳудуд ўрганилиб, лойиҳалаштирилмоқда.

Китоб байрами

Китоб инсон онгини чархлаб, қалбини поклайдиган, тасаввурини бойитиб, фикрлаш доирасини кенгайтирадиган мўъжиза. Унинг беқиёс қудрати инсон маънавияти ва маърифатини ўстириб, комил қилиб тарбиялайди.

Тошкент Давлат аграр университетидан "Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор" шиори остида ўтказилган байрам китоб кўнглимиз чироғи эканини яна бир бор тасдиқлади.

Байрам вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси, Маънавият ва маърифат маркази, ёзувчилар уюшмаси, маданият ва спорт ишлари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати илмий бўлими ҳамда "Ўзбекистон маънавияти" масъулияти чекланган жамияти томонидан ташкил этилиб, унда талаба-ёшлар ва оmmавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди. Шунингдек, олий ўқув юртининг мажлислар залида "Китоб – миллатнинг бебаҳо маънавий ва маданий мероси" мавзусида илмий-амалий анжуман ҳам ўтказилди. Унда таниқли олимлар, ёзувчи ва шоирлар ҳамда

КЎНГИЛ ЧИРОҒИ



бошқа мутахассислар катнашчиларга матбаачиликнинг бугунги ахvoli ва истиқболлари, миллий адабий жараёнлар ҳақида гапириб беришди.

Анжуманда шахсий фирмулоҳазалари билан қатнашган бир гуруҳ ёшларга ташкилотчилар томонидан янги нашрдан чиқ-

қан китоблар тақдим этилди. Байрам бошланишидан аввал кўргазмадаги китоблар талаш бўлиб кетди, – дейди вилоят матбуот ва ахборот бошқармаси бошлиги Зарифа Эралиева. – Бу "ҳозирги ёшлар китоб ўқимай қўйди" қабилидаги танқидий мулоҳазаларга жа-

воб бўлди, десак янглишмаймиз. Ташкилотчилар билан бу каби байрамни тез-тез ўтказиб туришга келишиб олдик.

Бекзод ХИДОЯТОВ,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.
Еркебой БОТИРОВ олган сурат.

Туркистон юлдузлари – 2013

УЧҚУР АХАЛТЕКИН ОТЛАРИ

Ўзбекистоннинг турли вилоятлардан келган чавандозлар ҳамда Қозоғистон ва Тожикистон республикаларидан ташриф буюрган от спорти усталари "Туркистон юлдузлари – 2013" шиори остида уюштирилган Марказий Осиё очиқ чемпионатида иштирок этдилар.



– Ахалтекин энг қадимий отлар зотига мансуб бўлиб, қарийб беш минг йиллик тарихга эга, – дейди Ўзбекистон ахалтекин отчилиги ассоциацияси бош котиби Равшан Саъдуллаев. – Ахалтекин отлари миниб юриш учун жуда қулай бўлиб, энгил ҳаракат қилади ва

отлиқни толиқтирмайди. Бу зотли отларга алоҳида қаров зарур. Ёввойи ва хонақиллаштирилган отлар авлодидан бўлиб, Қорақум чўлларида яшаган ва Ўз аҳдоқларидан гоёт чидамлилик ва шароитга тез мослашish хислатларини мерос қилиб олган. Улар айниқса

йўргалаганда, қадам ташлашлари мутлақо сезилмайди, гўё ер юзаси бўйлаб сузиб бораётгандек. Бизнесинг вазифамиз ушбу зотни сақлаб қолиш ва шу зот билан шуғулланувчи от заводларини қадам қадам ривожлантириб боришдан иборат. Ушбу аънавий мусобақалар эса улар орасидан энг яхшиларини танлаб олиш имконини беради.

Турнир давомида чавандозлар



Собир ЗУФАРОВ олган суратлар.

Ҳаёт манзаралари



ҚАЛДИРҒОЧЛАР ЯНА ҚАЙТИШДИ

Рисолат ая олти ойдирик, тўшакка миҳланиб қолди. Дам-бадам кўтарилиб турган қон босимига қарамай, елиб-югуриб юрган онахоннинг қўл-оёғи шол бўлиб, уй шифтига тикилганича ётишдан бошқа илоҳи қолмади. Лекин ҳол сўраб келаётганлардан бирор киши унинг нолиганини эшитмади. Дард берган Худого шукроналар айтишини қанда қилмайдди.

қандай меъмор удалай олмаса керак. Шундай кунларнинг бирида даҳшатли воқеа юз берди. Она қалдирғоч одатдагидан ўзгача чирқилар, атрофда чарх уриб, ўз тилида дод соларди гўё. Дам-бадам ночор ётган бемордан ёрдам сўрагандай, унинг бошида айланарди. Онахон минг азобда бошини аранг кўтариб, қалдирғоч уяси томон бурларди. Не кўз билан кўрсинки, чипор илон юқорига ўрмалаб борарди. Бемор танасининг соғ томони жимирлаб кетди. Аксинга олгандай, унга қараб турадиган набираси ҳам кўринмайдди. Боламисан деб, ўйнаб кетибди.

Во ажаб...



Тиниб-тинчмаган одамлар-ей, нималар қилишмайди-я.

Узининг нотавон, ноилоҳитидан, унинг ёрдамига илҳақ бўлиб турган парандан ҳимоя қилолмаганидан юраги туздай ағичиб кетди. Қўлдан буён боши ёстиққа миҳланиб қолган бемор илк бор нолигандай бўлди. "Эй Худойим, бу не

Исматулла НЕЪМАТУЛЛАЕВ.

Кенга кенг дунё

ОИЛА ТИЛСИМИ

Бекобод шаҳри "Ёшлик" маҳалласидаги Абдумавлон Абдурахмоновлар оиласи аъзолари камтарлиги, аҳил-иноқлиги билан эл оғзига тушган. Тўрт хонали квартира вақти келса, бир оила аъзоларига торлик қилади. Аммо, хонадон соҳиби шу уйда 2 ўғил, 2 қизни воёга етказди. 2 келин олди.

– Яна икки кўёв, 12 неварам ҳам бор, – дейди уй бекаси Дилором ая. – Қизларимдан кўнглим тўқ, Оиласи тинч-тотув яшайди. Келинларим ҳам ақл-хушли, одобли, меҳр-оқибатли. Яратганга шукр. Икки овсининг орасидан қил ўтмайди. "Кенга кенг дунё" деганлари шу бўлса керак. Ҳеч бири "бўлак чиқай, алоҳида турай" деймайди... Бу дунёда ҳамма ҳам яхши гапнинг гадоси. Ўзметкомбинат ишчиси

БАШПОРАТЧИ ХҲРОЗ

Меҳмон келишини олдиндан сезадиган хўроз ҳақида эшитганмиз? Бу унчалик хайрон қолдирган янгилик бўлмаса-да, бир марта эшитган одамда яхшигина таассурот қолдиради... Жаннат буви эрталаб челагини олиб сигир соғишга кетади. Турмуш ўртоғи сотиб олган хўроз олма дарахтига чиқиб олиб, қичқира бошлади. Ён қўншларининг деразли ҳаммасида тоев ва хўроз борлиги сабабли Жаннат буви хўрознинг қичқираётганига унча аҳамият бермади. Сигирини соғиб бўлиб, энди уйига қирмоқчи эди, эшик олдида машина келиб тўхтади. Учи тўла меҳмон.

Ана-мана дегунча орадан бир hafta ўтди. Ховли супураётган Жаннат хола хўрози яна бекосдан қичқираётганидан тўхтаб қолди. Бир зум ўтмай "Ойи уйдимсиз, мен келдим!" деганча Тошкентда ўқийдиган қизи кириб келса бўладими! Шундан сўнг, Жаннат буви хўрозини бекорга қичқирмаслигини билиб олди. Ахир, ҳар қичқирганда уйига меҳмон кириб келадиган хўрозни ким қурибди, дейсиз...

Марям АХМЕДОВА.



Жиноятга жазо муқаррар

Минг шукрки, бугун юртимиз ҳар жиҳатдан ривож топиб, юксалиб бормоқда. Қайси соҳага назар солсанг, бундан 20 йил илгариги манзарани учратолмайси. Хоҳ санаят, хоҳ ижтимоий соҳа бўлсин, бугун замон талабларига ҳамохан тараққий этаяпти. Бу мамлакатимизда мухта-рам Юртбошнинг боқилигидега узоқни кўзлаб олиб борилаётган оқилона сиёсат ҳамда кенг қамровли ислохотлар самарасидир.

Аммо, афсуски, шундай ютуқлардан талвасага тушадиган, Ватанимиз тараққийотини кўролмайдиган ганимлар атрофимизда истаганча топилади. Нима қилсаки, ёвузлик уруғини соҳса, жирканч мақсадларини амалга ошириб, одамлар орасида таҳлика ва кўркувани кўчатириб, парокандаликни келтириб чиқарса. Бундай гаразли ишларга қўл ураётганларнинг асл мақсадларини теран англаган ҳолда ён-атрофимизга серкак боқиб яшаш бугуннинг талабига айланб борапти. Халқимиз исломни азалдан муқаддас дин деб билган. Эзгулик уруғини соҳувчи, ер юзидега инсонларга фақат яхшиликни соғинуви дин сифатида унга эътиқод қилиб келган. Минг афсуски, қалбида ҳокимиятни ағаллаш мақсади бўлган манфур кимсалар шу эзгулик динини ҳам ўзларининг гаразли мақсадлари йўлида хизмат қилдиришга уриммоқдалар. Узларича ислом дини остида халифалик тўзумини барпо этиб, бугун ер юзидега шу тўзумга бирлаштироқчилар. Бу мақсаднинг мантисизлигини қарангки, у ер юзидеги мавжуд динлар



ТИЛИ БОШҚАЮ ДИЛИ БОШҚАЛАР

ўртасида ниҳоқ ва келишмовчиликларга сабаб бўлиши бугун ёш бола ҳам жуда яхши билади. Шунинг учун юртимизда динлараро бағрикенглик тамойилга кенг амал қилинади. Барча дин вакиллари ўзларининг амалларини эмин-эркин бажаришлари, ибодат қилишлари учун барча имкониятлар кўнунки асосда муҳайё этилган. Таассуфки, етарлича диний билимга эга бўлмаган айрим кимсалар ўзларини пешво санаб, жамиятимизда эътиқод масаласида белгиланган меъёрларни четлаб ўтишга, уларни оёқ ости қилиб, ўзларича бошқаларга динни ўргатишга ҳаракат қилишяпти. Ваҳоланки, юртимизда диний, айниқса, исломий билим беришга мулжалланган бир нечта илм даргоҳлари ташкил этилиб, дин ва дунё, уларнинг асл моҳияти бўйича етарлича билимга



БЕЛУЖИСТОНДА ЯНГИ ҚҲРБОНЛАР

Покистоннинг Белужистон вилояти маъмурий марказидаги Кветте шаҳрида амалга оширилган террорчилик акти оқибатида қамлаб 10 ҳарбий хизматчи ҳалок бўлди ва 20 нафари яраланди.

Маҳаллий оммавий ахборот воситаларининг ёзишича, жангарилар шаҳар кўчаларидан бирида ўрнатилган қўлбола портлаш қурилмасини ҳаракатга келтиришган. Айни шу пайтда ички ишлар ҳарбийлари тушган машина шу жойдан ўтиб бораётган эди. Портлаш оқибатида яраланган ҳарбийлардан ташқари қўлбола маҳаллий тинч аҳоли вакиллари ҳам бор. Ҳозиргача ушбу вилоятда ҳаракат қилаётган экстремистичи гуруҳлардан бирортаси жиноятни ўз зиммасига олгани йўқ. Ташкилданишича, Белужистон Покистондаги энг нотинч туманлардан бири. Бу ерда қўлбола сепаратист гуруҳлардан ташқари Покистоннинг экстремистичи толибон тўдалари ҳам ҳаракат қилади.

ҚҲОН ИККИ МИЛЛАРД ДОЛЛАРГА ТҲШДИ

Игарни хабар қилингандек, АҚШнинг бир йўла учта штатида кучли қўшон содир бўлди. Associated Pressнинг маълум қилинишича, ушбу табиий офат Оклахома штати тахминан 2 миллиард долларлик зарар келтирди.

Ҳуқумат эълон қилган маълумотларга қараганда, табиий офат 13 мингга яқин уйлари ваёрон ваёрон қилди. Умуман, 33 минг киши қўшон хуружидан у еки бу даражада зарар кўрди. Сўнгги маълумотларга қараганда, қўшон 24 кишининг умрига зомин бўлди. Улардан 10 нафари болалар. 350 га яқин киши турли даражада жароҳат олди. Ҳозиргача 6 кишининг тақдирини нима бўлгани номаълум. 20 май куни юз берган қўшоннинг турли ҳақиқатга катта талафот кўрди. Бу ерда қўшоннинг таърихи соатига 340 километрга етди. Аммо Мур шаҳри учун бу янгилик эмас. 1999 йилдаги қўшон соатига 485 километр тезликда эсиб, 41 кишининг ўлимига сабаб бўлган.

УНИ ЧОЛ ДЕЙИШГА ТИЛ БОРМАЙДИ

80 ёшли япониялик чол Юитиро Миура машҳур Эверест чўққисини забт этган энг кекса альпинистга айланди.

Ўғли Гото ҳамда маҳаллий йўлбошловчи ҳамроҳлигида 8848 метрли чўққини забт этиши учун Миурага саккиз кун керак бўлди. Дастлабки 8,5 минг метрни альпинистлар етти соатда босиб ўтишди. Қолган масофада ҳаракатланиш эса оғирлашиб борди. Чунки бу пайтда кучли шамол эсаётган эди. Иккинчидан, улар кислородли ниқобда ҳаракатланишга мажбур бўлишди. Чунки бундай баландликда ҳаво босими денгиз сатҳиданги нисбатан учдан бир миқдорда бўлади. Аммо, бу мураккаблиқлар Юитиро Миурага аввалдан белгиланган муддатда чўққини забт этиб, рекорд ўрнатishi учун ҳалақат беролмади.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

Қария 2003 ва 2008 йилларда, яъни 70 ва 75 ёшда эканлигида ҳам Эверест чўққисига кўтарилган. Аммо, 2008 йилда 76 ёшли непаллик Баходир Шерзон Эверестга кўтарилиб, рекорд ўрнатган. 2011 йилда эса Непалнинг соёбқ ташқи ишлар вазирини, 82 ёшли Шайлендра Кумар Упатхай Шерзоннинг рекордини янгилашга уринди, бироқ ўз кучини аниқ ҳисобга олмаган экан, ортиқча зўриқшдан ҳалок бўлди.

Бундай ёвуз ниятлари йўқлигини исботлашга роса уринишди. Бироқ, тўлган даладилар, берилган кўрсатмалар уларнинг ниятлари бузуқ эканини исботлаб турарди. Суд, албатта, диний бузғунчиларга қилмишларига яраша жазо белгилади. Бироқ кишини бошқа мулоҳазалар ўйлантиради. Юқорида айтганимиздек, бугун юртимизда дин, эътиқод масаласида етарлича имкониятлар яратилиб, қўнунлиги таъминланган. Уни четлаб ўтиш эса ё уквузилда ёки бугунги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлардан беҳабарлик ёхуд Ўзбекистон ҳуқумати олиб бораётган сиёсатга душманлиги бўлган кишилар шундай йўл туттиларли мумкин. Бунга эса асло бефарқ қараб бўлмайди. Бугунки бепарволигимиз эртата ўзимизга қимматга тушиши, бошимизга балолар ёғдириши мумкин. Шунинг учун атрофимизга теран назар ташлаб, гайриқўнуний хатти-ҳаракатларга дуч келганимизда, тегишли идораларга ўз вақтида хабар беришимиз ҳам инсоний, ҳам фуқаролик бурчимиздир. Зеро, муқаддас динимиз топталишини ва она заминимизни ёвлар қўлида бўлишини, бошимизга биз кутмаган ва тасаввур этмаган балолар келишини ҳеч ким истамаса керак. Шундай экан, доимо оғох ва хушёр бўлайлик.

Ёқуб САИД.

| | | | | | |
|---|--|--|---|--|---|
| <p>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ</p> <p>ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</p> <p>Муассис:</p> <p>Тошкент вилояти ҳокимлиги</p> | <p>Бош муҳаррир</p> <p>Убайдулла АБДУШОҲИДОВ</p> | <p>Манзил:</p> <p>100000, Тошкент шаҳри, Мабуотчилик кўчаси, 32.</p> <p>e-mail:</p> <p>th.tp@mail.ru</p> | <p>Қабулхона:</p> <p>233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).</p> <p>Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар:</p> <p>233-12-83, 233-48-08.</p> <p>Шартнома ва эълонлар:</p> <p>236-55-54.</p> <p>Ҳисоб-китоб бўлими:</p> <p>233-54-10.</p> | <p>Телефонлар:</p> <p>233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).</p> <p>Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.</p> <p>Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.</p> | <p>Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.</p> <p>Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА</p> <p>Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ</p> <p>Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУЖАЕВ</p> |
|---|--|--|---|--|---|